

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Ю.П. Апаков, А.Х. Жураев Каррали характеристикали бешинчи тартибли бир тенгламанинг чекли соҳадаги ечими ҳақида	5
М.Мамажонов, С.М. Мамажонов Бешбурчакли соҳадаги тўртинчи тартибли параболик – гиперболик турдаги тенглама учун битта чегаравий масала ҳақида	11
Ж.О.Тахиров Амалий математиканинг баъзи замонавий муаммолари ҳақида	19

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Максудов Р.Х., Джураев А., Шухратов Ш., Холдоров Ш Пахта тозалагичнинг ишчи органлари динамикасини ўрганиш	27
О.Қ. Деҳқонова Умумий ўрта таълим мактабларида физика ва математика фанлари узвийлигининг таҳлили	33

КИМЁ

О.Эргашев, М.Коххаров, Э.Абдурахмонов СаА (М-22) цеолитида карбонат ангидрид гази адсорбциясининг энергетикаси	36
--	----

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

М.Ҳолиқов, Ё.Аҳмедова Фарғона водийсидаги қушларнинг географик тарқалиши ва муҳофазаси	41
Х.М. Шодмонов, Н.З. Сотволдиев, И.А.Ақбаров Уй шароитида анордан шарбат ва компот тайёрлаш технологияси	43

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

Ғ.Юлдашев, Г.Сотиболдиева Суғориладиган қолмақалланган оч тусли бўз тупроқлар агрокимёвий хоссаларининг ўзгариши	46
М.Т.Исағалиев, З.Ж.Исомиддинов Суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар биогеокимёси	51
В.Ю.Исақов, А.Н.Хошимов Сўх конус ёйилмаси тупроқларининг экологик мелиоратив ўзгаришлари	57

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

О.Умаров Худудларда иқтисодий мустаҳкамлик заҳирасини яратишнинг самарадорлиги	61
--	----

ТАРИХ

З.Й.Эсонов Фарғона водийси ҳунармандларининг пирлар билан боғлиқ эътиқодий қарашлари	63
А.Абдухалимов Мустақиллик йилларида водий вилоятларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муаммолари	67
М.М.Темирова Фарғона вилоят радиоси тарихига доир айрим мулоҳазалар	70
Ш.Махмудов Қўқон хонлигида хорижий давлатларнинг элчиларини қабул қилиш: анъаналар ва ўзига хослик	74
А.Юлдашев Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда раҳбар ва бошқарув кадрлар тайёрлаш тизимининг тадқиқотларида ақс этиши	77

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

М.М.Юлдашев, Ш.А.Рахимов Европа мамлакатларида ёшлар сиёсати: амалиёт ва тажриба	80
З.Р.Қадирова, А.А.Қамбаров Ижтимоий фикрлар тарихида тафаккур услуби масаласи	84
Р.Рўзиева, Н.Эшонқулова, Н.Бобоназарова Илмий билиш бахт-саодатга интилиб, ахлоқий маданияти юксалишида муҳим омил	87

УДК: 10+7.036.0+301

ИЖТИМОЙ ФИКРЛАР ТАРИХИДА ТАФАККУР УСЛУБИ МАСАЛАСИ
ВОПРОС СТИЛЯ МЫШЛЕНИЯ В ИСТОРИИ ОБЩЕСТВЕННЫХ МНЕНИЙ
PROBLEM OF THE STYLE OF THOUGHT IN SOCIAL THINKING HISTORY

З.Р.Қадирова, А.А.Қамбаров

Аннотация

Мақолада муаллифлар томонидан тафаккур услубининг тарихий тараққиёт босқичлари, тарихнинг турли даврларига доир мутафаккирларнинг қарашлари қиёсий таҳлил қилинган. Муаллифлар фикрига кўра, тафаккур услуби олимнинг илмий фаолияти билан узвий боғлиқдир.

Аннотация

Авторами статьи проведен сопоставительный анализ этапов исторического развития стиля мышления, взглядов мыслителей на различные исторические периоды развития мысли. По мнению авторов, стиль мышления органически связан с научной деятельностью учёных.

Annotation

In the article, history and improvement the style of thought were analyzed. Additionally, the author scrutinized comparatively the style of thought and the approach of scholars of different times. The author asserts that the meaning of the style of thought is concerned genetically with the scientific work of the scholars.

Таянч сўз ва иборалар: тафаккур услуби, Гераклит, Платон, Аристотель, Демокрит, Эмпедокл, Лукреций Кар, Суқрот, Плотин, скептицизм, стоиклар, схоластлар, реализм, Уйғониш даври маданияти.

Ключевые слова и выражения: стиль мышления, Гераклит, Платон, Аристотель, Демокрит, Эмпедокл, Лукреций Кар, Сократ, Плотин, скептицизм, стоики, схоласты, реализм, культура эпохи Возрождения.

Keywords and expressions: style of thinking, Heraclites, Plato, Aristotle, Democrat, Empedocles, Lukreciy Kar, Socrates, Plotin, skepticism, stoics, scholiast's, realism, culture epoch rebirths.

Фалсафада «Тафаккур - буюк устунлик ва донишмандликнинг мазмуни, ҳақ гапириш ва табиат овозига қулоқ солиш ва унга мувофиқ муносабатда бўлишдир», деган фикр бор. Тафаккур услуби эса билиш жараёнининг йўналишини белгиловчи билим, ғоя ва назариялар йиғиндисидир. Фалсафий тафаккур услубида моддий олам ва унинг ривожланиш қонуниятларини акс эттириш ҳамда англаб олиш муайян дунёқараш ва методологик тамойиллар асосида амалга оширилади.

Инсон миясининг мавҳумлаштириш қобилияти натижаси бўлган тафаккур жараёнларини англашда услубнинг мазмунини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Услуб, яъни метод юнонча “methodes” сўзидан олинган бўлиб, у одатда тадқиқот йўллари, назария, таълимот маъноларини англатади. Тадқиқот услублари аниқ фанларда ва фалсафа фанида ўзига хос хусусиятларга эгаки, уларни бир-бири билан аралаштириш мумкин эмас. Аниқ фанларда ишлатиладиган тадқиқот услублари илмий билиш методлари туркумига киради. Фалсафада услуб тушунчаси кенг маънода оламни фалсафий англаш, тафаккур тарзи мантиғи, қонун-қоидалари, тамойиллари, шакллари ифодаласа, тор маънода фалсафий билимларни ҳосил қилиш воситалари тушунилади.

Фалсафа тарихида фалсафий тафаккур ва тафаккур услуби турли файласуфлар томонидан турлича ўрганилиб ва уни талқин этишда турлича ёндашганлар. Улар ўз қарашларида тафаккур нима эканлигини ёритишда ўз даврларида мавжуд бўлган ўзига хос тафаккур услуби ва фалсафий ёндашувларига асосан ўз муносабатларини билдирганлар.

Ғарб антик давр фалсафасининг қарашларини ўрганиб чиқадиган бўлсак, Гераклит фикрича, «Ҳиссиёт - жисмларнинг табиати ҳақида тўлиқ ва узил - кесил билим бера олмайди. Тўлиқ билимни фақат тафаккур бера олади» [2]. Платоннинг фикрича, «тафаккур» биргина ақлнинг фаолиятидир. У ҳиссий қоришмадан ҳолидир. У бевосита ақлий объектларни ҳис этади.

Бу фаолиятни кейинчалик Аристотель тафаккур ҳақидаги тафаккурдир, деган эди. Аристотел тафаккурни сезгилардан, объектив реалликдан ажратиб қўйиб, тафаккурнинг манбаини мутлақ ақл, мутлақ шакл ташкил этади [3], деган хулосага келган. Бундай билимлар ўз-ўзидан хусусийликдан умумийликка ўтиб, уларни маълум бир йўналиш, услуб ва турларга бўлиб ўрганиш жоиз бўлади. Мисол учун, Аристотель

З.Р.Қадирова - фалсафа фанлари доктори, профессор.
 А.А.Қамбаров - ФарДУ доценти, фалсафа фанлари номзоди.

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

тафаккур ва унинг қонунлари тўғрисидаги тизимлаштирилган фан, яъни мантиқшуносликнинг «отаси» ҳисобланади. У мантиқ тўғрисида таълимоти яратишда ўзидан илгари ўтган юнон файласуфларидан Демокрит, Платон ва бошқаларнинг таълимотларига таянган. «Топика» асарида тафаккурнинг асосий қонунлари ифодаланган. Аристотель анъанавий мантиқнинг тўртта қонунидан иккитасини: қарама-қаршиликни рад этувчи ва учинчисини инкор этувчи қонунни қабул қилди. Аристотелда айният ва етарли асос қонунларни исботловчи билим сифатида илмий билиш ҳақидаги таълимотида кўрсатиб ўтилган. Бу эса, фанда яна бир тафаккур қонунининг ўрганилиши ва тафаккурдаги маълум бир масалаларнинг ўз ечимини топишига туртки бўлди.

«Тафаккур сезгига ўхшайди», дейди Эмпедокл. У фикрни сезги билан айнан бир нарса, дейди. Кишининг фикри – бу қалбни ювиб турувчи қондир. Эмпедоклнинг фикрича, ҳақиқат мезони сезгилар эмас, балки тўғри фикрлашдир. Тўғри фикрлашнинг асосида маълум даражада илоҳийлик, бир қисмида эса, инсонийлик ётади. Илоҳийликни билиб бўлмайди, инсонийлик эса ўткинчидир. Тўғри фикрлаш ҳиссиётга таянмайди. Чиндан ҳам, инсон фақатгина сезиш ё сезги органлари орқалигина ҳақиқий моҳиятни била олмайди, билиш учун эса фикрлаш ва таҳлил қилиши лозим, яъни бирор-бир предметнинг ташқи кўриниши ҳар доим ҳам тўғри маълумотни ва ўз моҳиятини очиб бера олмайди, бунинг учун эса уни ўрганиш лозим бўлади.

Тафаккур орқали олинган билимимиз «ҳақиқий» билимдир. Ақл орқали олинган билим дунёнинг моҳиятини ташкил этувчи майда заррачаларни билишга олиб келади. Ҳиссий қабуллашнинг асосий шакли ёки унинг дастлабки шакли Демокрит фикрича, эт орқали сезиш сезгилари ташкил этади. Бу, шак - шубҳасиз, тўғри фарздир. У кундалик кузатиш ва тажриба асосида юзага келган. Бу ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Тафаккурнинг ролини тушунтиришда Демокрит ақлий билиш моҳиятининг нарсалар сабабини қидиришда ва оқибатни тушунтиришда кўради. Бирон-бир ҳодисанинг сабабини қидириш Демокрит учун олий мақсад бўлган. У муайян ҳодисаларнинг сабабини билишни ҳақиқий билиш, деб атади. Шундай қилиб, Демокритнинг оламни билиш назариясини яратишдаги хизматлари каттадир. У моддий оламни билиш ва ҳақиқатга эришиш мумкинлигини алоҳида таъкидлайди ва билиш

жараёнида ҳиссий момент ва тафаккур ролини оддий услубда бўлса-да кўрсата олган.

Оламни билишнинг диалектик тафаккур тарзига Шарқда Зардушт асос солган. Унинг фикрича, оламда икки қарама-қарши куч (руҳ) ўртасида абадий кураш боради. Эзгулик руҳи ёвузлик руҳи устидан ғалаба қозонишида имонли (аъло) одамларнинг ҳаракати, фаолияти катта ўрин тутди. Эрампдан олдинги V-IV асрларда Қадимги Юнонистонда диалектика ҳам билиш методи, ҳам ҳақиқатни топиш учун баҳс санъати, деб таърифланганини Форобий таъкидлайди.

Лукреций Кар фикрича, сезгилар орқали бу атомларни кўра олмаймиз, уларни фақат тафаккур орқали умумлаштириб биламиз. Биз, албатта, бунда ҳақиқатга эришамиз, чунки бизнинг тафаккуримиз муайян ашъвий далилларга таянади, сезгиларимиз эса ташқи моддий дунёнинг фақат ташқи кўринишини шубҳасиз тўғри акс эттиради. Лукреций Карнинг билиш назарияси содда характерга эга бўлса-да, у жаҳон фалсафий тафаккурида жуда катта аҳамият касб этмоқда.

Скептицизм оқимида асос солганлардан бири, элладалик Пиррон Суқрот сингари ўз таълимоти оғзаки равишда баён қилиб, ўзидан кейин бирон-бир асар қолдирмаган. Пиррон ва унинг издошларининг фикрича, инсон ўз тафаккурига таяниб, босиб ўтган йўлига бир қараб олиш учун тўхтади ва билишда эришган ютуқларини танқидий қараб чиқади. Плотиннинг фикрича, «диалектика – бу, олий фан бўлиб, тафаккурнинг сўнги босқичи, инсоният фикрлаш қобилиятининг мукамал қисми ҳисобланади». Диалектика, шунингдек, жисмларнинг умумий тушунчалари ҳақидаги фан бўлиб, анализ ва синтез ҳолида бўлиши ва бирикиши ҳақидаги тафаккур услубидир.

Августин таълимоти Ўрта аср тафаккурининг белгилловчи маънавий омилига айланиб, бутун Ғарбий Европа христианлик таълимотида катта таъсир кўрсатди. У Худони фалсафий тафаккурнинг марказий мавзусига айлантди. Унинг фалсафаси теоцентрик руҳда, яъни Худо фалсафий тафаккурнинг марказидир. Худонинг бирламчи ва бошланғич тамойиллигидан келиб чиқиб, у жон тандан устун, ирода ва сезги ақлдан юксак туради, деб таъкидлайди. Бу устунлик метафизик жиҳатдан ҳам, гносеологик жиҳатдан ҳам, ахлоқий жиҳатдан ҳам тўғридир. Худо билишнинг сабабчиси ҳамдир. Худо инсон руҳига, инсон тафаккурига нур киритади, одамларга ҳақиқатни танишда ёрдам беради. Худо энг олий даражадаги фаровонликдир ва умуман

ҳамма эзгуликнинг сабабчисидир. Ҳамма нарса Худо туфайли мавжуд экан, ҳар қандай эзгулик фақат Худодан келиб чиқади. Чиндан ҳам, Худо оламни, инсонни яратган экан, унга ҳам бу оламдаги нарсаларни танитади, синайди ва яна икки йўлни, яъни яхши ва ёмон йўлни кўрсатиб, танлаш ҳуқуқини беради ва шунга муносиб тақдирлайди. Буни тасаввуфдаги нафснинг 7 босқичида ҳам кўриш мумкин. Инсон қанчалик нафсини тийиб, билим ва ҳақиқатга интилгани сари тасаввуфнинг 7 босқичини босиб ўтиб, энг олий босқич – комилликка эришади. Комил инсон эса жамият равнақининг энг олий даражасидир, бевосита бу, инсон маънавий маданиятига ҳам боғлиқдир. Яъни, «Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир» [5].

Схоластлар тафаккур услуги ва ўзига хос тафаккури қуйидагича бўлган, аввало, схоластика сўзининг луғавий маъноси «мактаб», «ўқийдиган жой» кабиларни англатади. Схоластлар деб, Буюк Карл саройидаги, сарой мактабларидаги ўқитувчиларни ҳамда динни ўқитишда фалсафадан фойдаланган Ўрта асрлар илоҳиётчиларини атаганлар. Улар ҳақиқатни янгидан қидирмаганлар, балки мавжуд ҳақиқатни мантиқий йўллар билан исботлашга ҳаракат қилганлар. Эътиқодни тафаккур билан мустаҳкамлаш мақсадида илоҳий муқаддас китоблар фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ қилиниши керак. Муқаддас китоб сўзлари Аристотелнинг дедуктив мантиғи ёрдамида тизимлаштирилган ва янгича кашф қилинган. Схоластика Аристотель фалсафасининг Европага кириб келишининг асосий сабабидир.

Реализмнинг йирик вакилларида бири Ансельм Кентерберийскийдир. У Шимолий Италияда туғилган. 1093 йилда Кентерберийда архиепископ лавозимини эгаллаган. Унинг тафаккур ва эътиқоднинг ўзаро муносабатларига бўлган қарашлари «билиш учун эътиқод қиламан», деган тезисда ўз

ифодасини топган. Унинг фикрича, энг аввал ва асосан эътиқод билимнинг асоси бўлиши керак. Ансельм ўзининг икки асарида далиллар орқали тафаккур эътиқодни асослаб бериши кераклиги ҳақидаги хулосаларга келади. Яъни, «Монолог» асарида – тажриба, «Мулоҳазага қўшимча» асарида – ақлга таянади.

Ўрта асрларда номиналистлар илоҳий кароматни инкор қилмаганлар. Унга тафаккур иштирокисиз ишонил керак, деб таъкидлаганлар, чунки уларнинг фикрича, черков таъкидлаган нарсанинг ҳақиқийлиги, ишончлилиги ақл билан исбот қилинмайди.

Уйғониш даври маданияти, мафкуриси ва тафаккурининг муҳим тамойил ва анъаналаридан бири — дунёни теоцентриқ (дунё асосига Худони кўйиш) тушунишдан антропоцентриқ (оламнинг асосига одамни кўйиш) га ўтишдир. Бу жараён мураккаб, қарама - қарши характерда бўлиб, у аста - секинлик билан турли шаклларда амалга ошган.

Уйғониш даври йирик натурфайласуфларидан бири, немис кардинали Николай Кузанскийдир. У Ўрта асрлар ва Уйғониш даври ораллигидаги янги давр тафаккурига асос солган биринчи мутафаккирлардан биридир. Унинг табиат ҳақидаги ва космологик таълимоти дин чегарасидан четга чиққан эмас.

Хуллас, илмий тафаккур инсон тафаккурининг ривожланиш эволюцияси билан боғлиқ тушунча ҳисобланиб, у қадимдан ҳозирги давргача ўзига хос хусусиятга ва услубларига эга бўлиб келмоқда. Бу жараён тўхтаб ҳам, ё маълум бир тизимда чегараланиб ҳам қолмайди. Чунки инсон яшар экан, ҳаёт давомида турли хил билимларга эга бўлади, фандаги изланишлар натижасида ҳар хил кашфиётлар кашф қилинади ва шу жараёнлар, ривожланишлар билан биргаликда инсон тафаккури ҳам ривожланиб, мансублигига, типларига кўра, илмий тафаккур услублари қатори ҳам кенгайиб боради.

Адабиётлар:

1. Қаримов И.А.. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
2. Йўлдошев С., Усмонов М., Қаримов Р. Қадимги ва Ўрта аср Ғарбий Европа фалсафаси. —Т.: «Шарқ», 2003.
3. Назаров Қ. ва бошқалар. Ғарб фалсафаси. – Т.: ЎФМЖ, Шарқ, 2004.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор).